Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 31-mart. Payshanba ● 40 (31.316) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

## Ижроия қўмита йиғилиши

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан 2010 йил партия бюджетини бажариш натижалари ва Ўзбекистон ХДП маҳаллий ташкилотларини 2011 йилда давлат бюджети маблағларидан молиялаштиришнинг асосий кўрсаткичлари, Самарқанд вилоят ташкилоти ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларни ташкил этишдаги иштироки батафсил кўриб чиқилди.

Марказий Кенгашнинг мафкура ва тарғибот-ташвиқот масалалари бўлимининг Ўзбекистон ХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўтказилаётган ўқув машғулотлари тўғрисида, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотларининг Низомларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш каби масалалар ҳам муҳокама этилди.

ЎзХДП Тошкент шаҳар ва Хоразм вилоят ташкилотларининг партия ғоялари ва ижтимоий сиёсатини электорат орасида тарғиб қилиш ҳамда нуфузини ошириш бўйича олиб бораётган ишлари, партия ҳудудий ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Тошкент вилоятида ҳудудий инвестиция дастурларини амалга ошириш доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларда маҳаллий партия ташкилотларининг иштироки, Марказий Кенгаш ҳамда минтақавий партия кенгашларидаги Ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари ҳам иштирокчиларнинг қизғин муҳокамасига сабаб бўлди.

Шунингдек, партия марказий нашрлари — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига 2011 йил учун обунани ташкил этиш якунлари ҳақидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Ижроия қўмита тегишли қарорлар қабул қилди.

**ЎзХДП МК матбуот хизмати**

Фарғона

## Марказий Осиёнинг гавҳари




Табиатда шундай неъматлар борки, унинг қимматини бирон-бир бойлик билан ўлчаб бўлмайди. У нима деб сўралса, ҳар бир фарғоналик ҳурлик, озодлик, мустақиллик, деб жавоб бериши аниқ. Зеро, уч миллиондан зиёд вилоят аҳли бу неъмат нашидасини ўз ҳаётида ҳис этди. Истиқлол шарофати билан миллий ўзлигимиз қайтди, шу тупрокда вояга етган алломалар асрлар оша яна ўз авлодлари билан дийдорлашди, юрт обод, турмуш фаровон бўлди. Ҳурфикр, миллий маънавият онгу тафаккуримиз чироғини қайта ёкди. Ўзбекистон деб аталмиш келажаги буюк давлатнинг Фарғонаси ҳам гавҳар таратган нур каби турфа рангда товланди. Унинг айрим қирраларинигина сизга туҳфа этмоқчи бўлдик.

⇨ 3

ЎзХДП: устувор вазифалар



Муродбек ЗИЁ, Владимир ГОНЧАРЕНКО олган суратлар.

## Концепция фаолиятимизни кескин кучайтиришни талаб этмоқда

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга ошириш бўйича партия Марказий Кенгаши III пленумида белгилаб олинган вазифалар ижроси кўриб чиқилди ва бу жараёнда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг фаолиятини янада кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари билан бирга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари, минтақавий партия кенгашлари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партия Ҳаракат дастурида 2011 йилда зиммасига аниқ ижтимоий вазифалар юкланган туман партия кенгашлари етакчилари, экспертлар иштирок этди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов маъруза қилди.

Президентимиз илгари сурган Концепцияни амалга ошириш мамлакатимизда демократик янгиланиш жараёнининг навбатдаги босқичини бошлаб берди, деди у. Олий Мажлис палаталари «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги ва шу муносабат билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонунларни маъқуллади. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.

Концепция асосида қабул қилинган қонунлар орқали бир вақтнинг ўзида парламентнинг ижроия ҳокимият устидан назоратини кучайтирувчи янги ҳуқуқий механизмлар вужудга келаяпти.

Бу механизмлар жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари илғор тажрибаларига тўла мос келади ҳамда Ўзбекистонда демократик модернизация жаҳон тажрибасига, миллий давлатчилик анъаналаримизга асосан босқичма-босқич амалга оширилаётганини яна бир бор кўрсатмоқда.

⇨ 2

Эътироф

**Жаҳон иқтисодиётидаги замонавий анъаналар таъсирига учрамайдиган пухта ўйланган иқтисодий сиёсат, изчил олиб борилаётган ислоҳотлар ва барқарор тараққиёт Ўзбекистоннинг муваффақиятининг кафолати бўлди. Аҳоли моддий фаровонлик даражасининг ўсишида акс этаётган иқтисодиётни самарали бошқариш Ўзбекистон танлаган энг тўғри ривожланиш йўлидан дарак беради.**

**Норазиза БОРХАН,**
***иқтисодчи, (Малайзия)***

Футбол

## Рақибларимиз маълум

Кеча футбол бўйича 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларига қуръа ташланди. Осиё минтақаси саралаш баҳсларида қитъамизнинг ўттиз саккиз давлати вакиллари қатнашиш истагини билдирган.

Мусобақа низомига кўра, дастлабки босқич ўйинлари 29 июнь ва 3 июль кунлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси эса баҳсларга кейинги босқичдан қўшилади. 23 ҳамда 28 июль кунлари ўтказилиши белгиланган мазкур босқичда Қирғизистон футболчилари ҳамюртларимизга қарши майдонга тушади.

Шунингдек, кеча 2012 йили Лондонда бўладиган ёзги Олимпия ўйинлари саралаш учрашувларига ҳам қуръа ташланди. 19 ва 23 июнь кунлари бўладиган дастлабки босқич баҳсларида Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Гонгконг вакилларига қарши тўп сурадиган бўлди.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Концепция ва шарҳ



**Анвар БОЙҚУЛОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси*

## Ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этиш тартиби ва мазмунига алоҳида эътибор билан ёндашиб келинмоқда. Асосий Қонунимизда давлат халқ иродасини ифода этиши, унинг манфаатларига хизмат қилиши қатъий қоида сифатида белгилаб қўйилгани ҳам бежиз эмас.

Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, «...биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришиш учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда воқеликнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай нохуш ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тараққиётимиз ва демократик янгиланиш заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишимиз зарурати бугун нечоғли долзарб эканини англаш, тушуниш қийин эмас».

Давлатимиз раҳбари томонидан ўтган йили 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида эълон қилинган Концепцияда аввалги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар ичида парламент ҳам тубдан ислоҳ қилинганлиги алоҳида қайд этилди.

Дарҳақиқат, давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди.

*(Давоми 2-бетда.)*

## Роғун лойиҳаси — Ўрта Осиё учун цунамидан ҳам хавфлироқ

Японияда рўй берган кучли зилзила ва шиддат билан босган цунами табиатнинг бошқариб бўлмайдиган фалокатлари одамлар ҳаёти учун қандай даҳшатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини яна бир бор исботлади. Бугунги кундаги глобал иқлим ўзгариши шароитида даҳшатли табиий офатларнинг тез-тез такрорланиши одатий ҳолга айланмоқда. Ушбу офатлар инсон ҳаёти ва фаолияти натижалари билан биргаликда илгари мисли кўрилмаган кўламдаги техноген фалокатларни келтириб чиқармоқда. Бунга Япония атом электр станциясида рўй берган фалокат яққол мисол бўла олади.

Японияда содир бўлган ушбу фалокат бутун дунёда катта ташвиш уйғотмоқда. Кўплаб давлатлар ҳукуматларини шундай ҳалокатларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўришга, ҳаттоки, зилзила юз бериш эҳтимоли назарий жиҳатдан ҳам деярли мумкин бўлмаган Германияда бўлгани каби, атом электр станциялари фаолиятини тўхтатишга мажбур қилмоқда. Мантиқан олиб қараганда, бундай чора-тадбирлардан кўзланган мақсад тушунарли, албатта. Бинобарин, дунёда бинолар ва иншоотларнинг зилзилага бардошлигига нисбатан талаблар ғоят қатъий бўлган ва сейсмик фаол зонада энг илғор қурилиш технологиялари асосида иш олиб бориладиган Япониядек давлатдаки шундай фалокатларнинг содир бўлиши эҳтимолдан холи эмас экан, бошқа ҳеч бир мамлакат ўзини бундай офатлардан ҳимояланган, деб ҳисоблай олмайди.

Шу муносабат билан Тожикистон раҳбариятининг мамлакат аҳолиси онгига бир неча йиллардан буён муттасил қуйиб келинаётган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси ҳақидаги баландпарвоз гаплари ёдга тушади. Ҳолбуки, бу ўринда гап тектоник емирилувчи ва йирик туз қатламлари мавжуд жойда дунёдаги энг баланд тўғонли Роғун ГЭСи қурилиши ҳақида бормоқда. Ачинарли жиҳати шундаки, гўёки, бу лойиҳа мазкур мамлакатда яшаётган одамларнинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборади. Хайриятки, ушбу тағи пуч ғоянинг асл моҳияти ва аянчли оқибатларини англаб етаётган соғлом фикрли олимлар ҳам йўқ эмас.

Роғун ГЭСи қурилиши ҳақидаги хомхаёл билан юрган Тожикистон раҳбарияти кўп йиллар давомида бутун дунё жамоатчилигини Тожикистонда ҳалокатли зилзилалар хавфи деярли йўқлигига ишонтиришга уриниб келаётганини эслатишга ҳожат бўлмаса керак. Хусусан, Тожикистон Бош вазири А.Оқилов ўтган йили Роғун ГЭСи қурилиши хавфи хусусида Ўзбекистоннинг сўровига юборган жавобида Роғун ГЭСи қуриладиган зонада 6 баллдан кучли зилзила бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлаган.

Айни пайтда, Тожикистон Республикаси Фанлар академияси сейсмология институтининг фахрий директори, академик Собит Негматуллаев ИТАР-ТАСС мухбирига 2011 йил 15 мартда берган интервьюсида Японияда содир бўлган салкам 9 баллик зилзилага ўхшаш ер силкинишлари 1907 йилда Тожикистон ҳудудидаги Қоратоғда, 1911 йилда Помирда юз бергани ва Сарез кўлининг пайдо бўлишига олиб келганини, 1949 йилда Хайтда ҳам такрорланганини қайд этган. Ўша зилзилалар 100 мингдан зиёд одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Академик С.Негматуллаев ушбу зилзилалар юзага келтирган жараёнларни таҳлил қилар экан, кейинги 10 йил мобайнида Помир-Ҳиндикуш тоғ тизмасида кучли ер силкиниши рўй бериши мумкинлигини башорат қилган.

Нуфузли олим томонидан келтирилган мазкур статистика Тожикистон Бош вазирининг таскин учун айтилган баёнотидан кўра ишончлироқ, албатта. Академик С.Негматуллаевнинг мазкур башоратлари сейсмология соҳасида жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилган тадқиқот услубларига асослангани билан эътиборни тортади.

Тожикистон ҳукумати дунёдаги энг баланд тўғонни қуриш лойиҳасини қандай бўлмасин амалга ошириш мақсадида Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси билан боғлиқ техноген фалокатларнинг бўлажак хавфи ҳақида огоҳлантираётган кўплаб давлатларнинг олим ва мутахассисларининг ташвишли фикрларини эътиборсиз қолдирмоқда. Бу лойиҳа оқибатида юзага келадиган ўта жиддий хавфларни тожикистонлик олимларнинг хулосалари ҳам тасдиқлаб турибди. Айниқса, шуниси муҳимки, сейсмологлар Японияда содир бўлган зилзила ва Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳалаштирилаётган ҳудуднинг сейсмик фаоллиги ўртасида бевосита боғлиқлик борлигига эътиборни қаратмоқда.

Агар бу ҳудудда Япониядаги каби кучли зилзила рўй берадиган бўлса, баландлиги 335 метрдан зиёд тўғонга чуқурлиги 300 метрдан юқори бўлган сувнинг кучли ва катта босими тушади. Оқибатда тўғон унга дош беролмай, пойдевори силжийди ва ўпирилиш юз беради. Бу эса даҳшатли цунамини келтириб чиқариши мумкин.

Баландлиги 10 метр келадиган цунами Японияда қандай вайронагарчиликларга сабаб бўлганини барчамиз кўрдик. Зеро, оқибатини ўйламасдан қурилаётган Роғун ГЭСи тўғони лойиҳаси амалга ошса ва у ўпирилиб кетадиган бўлса, Вахш дарёси оқими бўйлаб пастга шиддат билан ёпириладиган сувнинг баландлиги ер сатҳидан камида 100 метрни ташкил қилади, вайронагарчиликлар келтириши борасида Япониядаги цунамидан бир неча баравар ошиб тушади.

Тўғоннинг ўпирилиши Ўрта Осиё мамлакатлари учун, аввалambор, Тожикистоннинг ўзи учун мисли кўрилмаган фалокатлар олиб келади. Мутахассисларнинг фикрича, воқеалар шу зайлда ривожланадиган бўлса, катта миқдордаги сув пастга секундига 130 метр ёки соатига 468 километр тезликда Нурек ГЭСи томон ёпирилади. Нурек ГЭСи тўғони бутунлай вайрон бўлиб, Нурек шаҳри баландлиги 280 метр ва тезлиги секундига 86 метр бўлган сув босими остида қолади. Вахш каскадининг бошқа ГЭС ва гидроузеллари ҳам шу каби бутунлай вайронага айланади, Сарбон, Қўрғонтепа ва Румий шаҳарларини бутунлай сув босади. Сув тошқини зарбига биринчи бўлиб ушбу шаҳарлар дуч келади ва у Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг бошқа ўнлаб шаҳарлари ҳамда аҳоли пунктларини ҳам босиб кетади.

Шу боис Японияда рўй берган зилзила ва унинг фожиали оқибатлари, шунингдек, тожикистонлик сейсмологларнинг холис фикрлари мисли кўрилмаган баландликда ушбу улкан гидроузел тўғонини лойиҳалаштириш ва қуришдек таги пуч ғояни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Тожикистон раҳбариятининг кўзини очади, деб умид қиламиз.

**С. ЖИГАРЁВ,**
**«Гидролойиҳа» МЧЖ директори.**

Концепция ва шарҳ

# Ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Бу борадаги асосий вазифа қуйи палата — Қонунчилик палатасини мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал органга айлантириш, юқори палата — Сенатни ҳудудлар манфаатларини ифода қиладиган вакиллик органи сифатида шакллантиришдан иборат эди. Шу тариқа қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатли ва асосли бўлишига эришиш билан бир қаторда, ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим яратилди, умумдавлат ва ҳудудлар манфаатларининг ўзаро мувозанати таъминланмоқда, аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш имкони туғилмоқда.

Икки палатали парламентимизнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ваколатларнинг янада мувофиқлашувини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда Президент ваколатларининг бир қисмини юқори палата — Сенатга ўтказиш, шунингдек, Бош вазир ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 2007 йилда киритилган тузатишларда мамлакат Президенти бир пайтнинг ўзида давлат бошлиғи эканлиги билан бирга давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини таъминлашлиги ҳақидаги қоиданинг мустаҳкамланиши ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиши принципининг ҳаётга жорий қилинишига, давлат ҳокимияти органлари — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида барқарор мувозанат, ўзаро тийиб туриш механизмларининг кенгроқ шаклланишига замин яратди. Ўз ўрнида давлат бошлиғига ҳам ўзининг Конституциявий ваколатларини янада самарали бажариши учун кенг имкониятлар яратилди.

Парламент ислоҳоти, пировард натижада ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада кенгроқ таъминлади, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтирди, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришилди, қонун ижодкорлигининг самараси ва қонунларнинг сифатини жиддий оширди.

Бу эса ўз навбатида ижро ҳокимиятини шакллантиришда Қонунчилик ҳокимиятининг бевосита таъсир этишига олиб келади. Албатта, бу ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципини, улар бир-бирларини шакллантириш ва назорат орқали тийиб туриш тушунчасининг реал механизмини ўзида акс эттиради. Бу қоиданинг аҳамияти шундан иборатки, давлат сиёсий тизимида муҳим ўрин тутувчи ҳамда мамлакатда турли гуруҳларнинг манфаатларини ифода этувчи сиёсий партиялар бевосита парламентдаги ўз вакиллари орқали ҳукумат раҳбарини тайинлашда иштирок этадилар, шу орқали халқнинг давлат ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги иштироки таъминланади.

Ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш механизмини шакллантиришда ҳокимиятлар ўртасида шундай муносабат ўрнатилмоғи лозимки, бунда уларнинг ҳар бири давлат вазифаларини мустақил ўташ билан биргаликда ўз ҳуқуқий воситалари ёрдамида бир-бирларини мувозанатга чорлаб турадилар, ҳокимият ваколатларининг биргина муассаса томонидан қонунсиз равишда тортиб олиниши (узурпация қилиниши)ни бартараф этадилар.

Ўз навбатида қонун чиқарувчи орган ижро этувчи идора томонидан қонунлар қандай бажарилаётганлиги устидан назорат қилиш ваколатига эга, ҳукумат эса парламентга ҳисоб беришга мажбур. Шунингдек, тегишли давлат органларининг ваколатлари, вазифалари аниқ бўлишини таъминлайди, бир органнинг иккинчи орган ишларига аралашувига барҳам беради, бошқариш соҳасида чалкашликлар келиб чиқишига йўл қўймайди.

Мазкур принцип ҳокимият органларининг ўзаро келишиб, бир-бирини назорат қилиб, уйғунлашиб ишлашларига ҳам имконият яратади. Булар эса адолатли, демократик давлатга хос жиҳат демакдир. Бу мақсадни соддагина ифодаламоқчи бўлсак — ҳар қандай ҳокимият, у қонунчилик ёки ижро ва суд ҳокимияти бўладими ҳар қайсиси ўз вазифасини англаши, ўз масъулиятини ҳис қилиши, ўз юкини кўтариши ва таъбир жоиз бўлса, ўз аравасини мустақил равишда тортиши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да баён қилинган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ тайёрланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини 2011 йил 25 март куни Олий Мажлис Сенати маъқуллади.

Мазкур Қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга, шунингдек, социал-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтиришга қаратилган. Қонунчилигимизда рўй берган бу янгиликлар жамиятимизда сиёсий ҳамжиҳатлик ва сиёсий барқарорликнинг ҳуқуқий негизи сифатида сиёсий қарашларни эркин ҳолда ривожлантиришга, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга, энг муҳими, аҳолининг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Сиёсий партиялар ролини кучайтириш аҳолининг давлат ва жамият бошқарувида фаоллигини янада оширишни зарурият қилиб қўяди. Бу билан, биринчидан, сиёсий партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида муттасил жонлантириб, уларнинг сиёсий онги ва фаоллигини ошириб боради, иккинчидан, парламентимиз томонидан олиб бориладиган қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарали ташкил этилишига муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бу эса ўз навбатида ижро ҳокимиятини шакллантиришда қонунчилик ҳокимиятининг бевосита таъсир этишига олиб келади. Албатта, бу ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципини, улар бир-бирларини шакллантириш ва назорат орқали тийиб туриш тушунчасининг реал механизмини ўзида акс эттиради. Бу қоиданинг аҳамияти шундан иборатки, давлат сиёсий тизимида муҳим ўрин тутувчи ҳамда мамлакатда турли гуруҳларнинг манфаатларини ифода этувчи сиёсий партиялар бевосита парламентдаги ўз вакиллари орқали ҳукумат раҳбарини тайинлашда иштирок этадилар, шу орқали халқнинг давлат ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги иштироки таъминланади.

# Концепция фаолиятимизни кескин кучайтиришни талаб этмоқда

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев Концепция асосида белгилаб олинган вазифаларни адо этишда партия фракцияси ва унинг аъзолари масъулияти ҳақида тўхталди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни янада яхшилаш ҳақида сўз юритди. Фракция аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган қонунлар лойиҳаларини такомиллаштиришда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг иштирокига алоҳида эътибор қаратди.

Пленумда, шунингдек, партия электорати манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий масалаларни ҳал этишда депутатлар ҳамда партия ташкилотларининг ташаббускорлигини кучайтириш, Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг 2010 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда партиянинг 2010 йилдаги бюджетининг ижроси ва 2011 йилги бюджети ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Пленумда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**2010 йилда Ўзбекистон ХДП га тушган ва сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида**

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

*(минг сўм)*

| № | *Кўрсаткичлар* | *Тасдиқланган режанинг бажарилганлиги* |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 4 |
| *I* | ***Ҳисобот даври бошига маблағлар қолдиғи*** | **158 788,6** |
| *II* | ***Даромадлар, жами*** | **4 945 703,1** |
| | шу жумладан: | |
| | Давлат бюджети маблағлари | 2 296 342,0 |
| | Кириш ва аъзолик бадаллари | 1 836 193,3 |
| | Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлари, жами | 797 251,5 |
| | Ҳомийлик, хайрия тушумлари, жами | 15 633,3 |
| | Бошқа тушумлар | 283,0 |
| III | **Харажатлар, жами** | **4 906 658,9** |
| | шу жумладан: | |
| | Ижро этувчи аппаратнинг жорий харажатлари | 3 724 858,9 |
| | Партия аъзоларини ОАВда чиқишини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш харажатлари | 1 700,0 |
| | Конференциялар ва съездлар ўтказиш харажатлари | 35 400,0 |
| | Партия фаолларини ўқитиш, семинарлар ва тренинглар ўтказиш харажатлари | 21 300,0 |
| | Мол-мулкни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатлари | 216 200,0 |
| | Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш харажатлари | 540 700,0 |
| | Бошқа харажатлар | 366500 |
| IV | **Ҳисобот даври охирига маблағлар қолдиғи** | **197 832,8** |

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2011 йил бюджетининг**

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

*(минг сўм)*

| № | *Даромадлар ва харажатлар* | *Режа* |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| *I* | ***Тушумлар, жами*** | |
| | шу жумладан: | **6237504,7** |
| | Давлат бюджети маблағлари | 3028688,0 |
| | а)устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағлари | |
| | Кириш ва аъзолик бадаллари | 2256804,6 |
| | Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар | 862438,6 |
| | Мол-мулкни сотишдан тушган даромадлар | 89043,5 |
| | Дивидентлар | 530,0 |
| *II* | ***Харажатлар, жами*** | **6171279,7** |
| | шу жумладан: | |
| | Ижро этувчи аппаратнинг жорий харажатлари | 4682578,0 |
| | Партия матбуот органига ёрдам кўрсатиш харажатлари | 40000,0 |
| | Партия аъзоларини ОАВда чиқишини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш харажатлари | 23500,0 |
| | Конференция ва съездлар ўтказиш харажатлари | 65000,0 |
| | Партия аъзоларини ўқитиш, семинарлар ва тренинглар ўтказиш харажатлари | 52500,0 |
| | Мол-мулкни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатлари | 493710,7 |
| | Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир харажатлари | 694133,0 |
| | Бошқа харажатлар | 119858,0 |
| *III* | ***Даромадларнинг харажатлардан ортиқлиги*** | **66225,0** |

ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа

# Меҳнат ярмаркаси

## аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши билан Марказий банк ҳамкорликда амалга ошираётган «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш жойларини ташкил этиш» лойиҳаси бўйича Навоий шаҳрида иқтисодий форум бўлиб ўтди. Унинг доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилди.



Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида ўтказилган бу тадбирда вилоятдаги 70дан ортиқ корхона, ташкилот, акционерлик ва масъулияти чекланган жамият ҳамда хусусий корхоналар бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркада бўш иш ўринлари таклиф этган корхоналар қаторида Навоий кон-металлургия комбинати, Машинасозлик заводи, Иссиқлик электр станцияси, Зарафшон қурилиш бошқармаси, «Бахт текстиль», «Навоийтелеком», «Пахтасаноатсотиш», «Қизилқумцемент», «Навоийдонмаҳсулотлари» ва «Навоийнефтмаҳсулотлари» каби йирик унитар ҳамда шўъба корхоналар иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида қатнашган 350 нафардан ортиқ йигит-қизнинг 200 нафарга яқини ўз мутахассислиги бўйича муносиб иш топди.

— Кармана қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг электр пайвандловчи бўлимини битирганман, — дейди **Фурқат Раҳмонов.** — Ўзимга мақбул иш тополмай юргандим. Ниҳоят, орзуимга эришдим. «Навоийазот» очиқ акционерлик жамиятига пайвандловчи электрик сифатида ишга олишди.

— Ўтган йили Навоий кончилик институтининг энерго-механика факультетини битирган эдим, — дейди **конимехлик Шавкатжон Нуров**. — Бўш иш ўринлари ярмаркаси мен учун чинакам байрам бўлди. Чунки ўзим ўқиган энерго-механиклик касби бўйича Иссиқлик электр станциясига ишга жойлашиш насиб этди. Энди олган билим ва бор кучимни сарфлаб ишлайман.

— Интилганга толе ёр деб бежиз айтишмаган, — қувончини яширмай гап бошлади **навоийлик Ҳасанжон Қобилов**. — Шаҳримиздаги индустриал иқтисодиёт коллежини битирганман. Иш излаб юргандим. Меҳнат ярмаркаси туфайли «Навоийдонмаҳсулотлари» унитар корхонасида навбатчи оператор ёрдамчиси бўлиб иш бошлайдиган бўлдим.

— Меҳнат ярмаркаларини вилоятимиз, айниқса, олис туманларда ташкил этиш янада фойдали бўлади, — дейди **вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Ҳамид Жумаев.** — Ишсизликни олдини олиш, айни пайтда, ёшларда меҳнатга оқилона муносабатни шакллантириш зарур. Энг муҳими, шу орқали ёшлар жамиятнинг ажралмас қисми эканини ҳис қилади.

Шу боис, биз жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларида ёшларни меҳнатга чорлаш, фаол ҳаётга жалб этиш учун таъсирли тарғибот воситаларидан кенг фойдаланаяпмиз. Бундан ташқари, ярмаркаларда меҳнатга оид муносабатлар, хусусан, иш берувчи масъулияти, иш жараёнидаги мажбуриятлар ҳақида атрофлича тушунча бериб бораяпмиз.

— Ёшларни ҳар жиҳатдан фаоллаштиришга хизмат қилувчи бу каби форум ва меҳнат ярмаркаларини жойларда мунтазам ўтказиш лозим, — дейди **Навоий шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Олим Бердиев.** — Бундай тадбирлар орқали кенг жамоатчилик маҳаллий корхона ва ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишади, корхона ишчи кучига, ёшлар иш жойига эга бўлади.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш — давр талаби

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, жаҳондаги тинчликсевар давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқимиз фаровонлиги ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш йўлида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ўзгаришлар самараси ўлароқ юртимизда барқарорлик ва аҳиллик-тотувлик, бунёдкорлик ҳукм сурмоқда, амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунлар кишиларимизда эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамламоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар жадал олиб борилаётган бир пайтда Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг эълон қилиниши ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Айниқса, Концепцияда мамлакатни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг бир неча устувор йўналишлари белгиланиши кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида навбатдаги босқични бошлаб берди.

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг тараққий этиши бошқа муҳим масалалар қатори аввало ахборот ва сўз эркинлиги таъминланишига боғлиқ. Концепциянинг учинчи йўналиши мазкур соҳани ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга бағишланган, бу соҳадаги устувор вазифалар белгилаб берилган.

Ахборот оқими шиддат билан турмуш тарзимизга кириб келаётган бугунги кунда бу соҳани тараққий эттириш жаҳондаги макрофакторлардан биридир. Ўтган йиллар давомида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар қилинди. Оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва меъёрларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик асоси яратилди. Шу билан бирга, ОАВни ривожлантириш, ахборот соҳасини демократлаштириш жараёнида ОАВнинг фаол иштирокини таъминлаш учун янги қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мазкур заруратдан келиб чиқиб, Президентимиз таклиф этган Концепцияда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида» қонунлар қабул қилиш, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа тегишли қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонун меъёрларини янада такомиллаштириш фикри илгари сурилди.

Жумладан, «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида» қонун қабул қилиш таклифи киритилиши ўзига хос заруратга эга. Боиси, телерадиоэшиттиришлар соҳасида илғор замонавий технологияларнинг жорий қилиниши телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил этиш учун қулай шарт-шароит яратади. Ўз навбатида, телерадиоэшиттиришлар сифати такомиллашиб, аҳолининг янада кенг қамровли ахборот оқимидан хабардор бўлишига замин яратилади. Бу эса табиийки, омманинг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий онги ва маданияти ривожланишига туртки беради. Чунки ахборот бозорини такомиллаштирмай туриб, жамиятда ҳуқуқий асосни ривожлантириш қийин.

**Ҳуқуқий меъёрларни тўғри тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис, ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш фуқароларнинг қонунга онгли итоат қилишини таъминлайди, ўзининг кучли интеллектуал салоҳияти билан бу воситалар ёшлар онгига, уларнинг ижтимоийлашувига катта таъсир ўтказади. Бу эса юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлаш миллий тизимини янада такомиллаштиради.**

Президентимиз Концепцияда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарали ҳуқуқий механизмини яратиш, бунда кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиши бежиз эмас. Чунки фуқароларни қонун-қоидалар асосида яшашга ўргатиш ҳам оммавий ахборот воситалари, хусусан, уларнинг таъсирчан усуллари ёрдамида амалга оширилади.

Концепцияда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан бирга, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа тузилмалар ишини фаоллаштириш учун кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги ҳам таъкидланди. Бу эса ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришга қаратилгандир.

Умуман олганда, Юртбошимиз илгари сурган Концепция тобора такомиллашиб, мураккаблашиб бораётган дунёда бизнинг ўрнимиз, йўлимиз ва истиқболимизни янада аниқ кўрсатиб берди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мазкур Концепция Ўзбекистонни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида йигирма йил олдин бошланган жараённи давом эттириш бўйича узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Гулнора ГУЛЯМОВА,**
**Клара БОЙМУҲАМЕДОВА,**
**Тошкент давлат юридик институти доцентлари.**

## Фарғона

# МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ГАВҲАРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*
























### ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ — ФАРОВОНЛИК ПОЙДЕВОРИ

Давлатимиз мустақилликка эришганидан буён юртимизда барча соҳаларда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Кучли ижтимоий сиёсат тамойили асосида олиб борилаётган ислоҳотлар ва Президентимиз саъй-ҳаракати билан халқнинг фаровонлиги тобора яхшиланиб бормоқда. Бугунги куннинг талаби шуки, иқтисодиёт ривожланмай туриб кўзланган мақсадга етиб бўлмайди. Кучли иқтисодиётнинг асоси эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва ҳалол рақобат ҳисобланади.

Фарғона вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти билан мамлакатда Тошкент шаҳридан сўнг иккинчи ўринда туради. Бундай нуфузга сертармоқ саноат корхоналари, деҳқончилик маданияти юксак қишлоқ хўжалиги, фидойи тадбиркорларнинг самарадор фаолияти, бошқарувдаги аҳиллик ва ишбилармонлик, жамоаларнинг сидқидил меҳнати туфайли эришилган. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Азот», «Тапо Диск», «Автоойна», «Кварц», «ДЕУ текстил» каби корхоналар эришаётган натижалар мамлакатимиздан ташқарида ҳам маълум. **2010 йилда вилоятда 4 триллион 95,5 миллиард сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, унинг 3 триллион 62,9 миллиард сўмлиги саноат маҳсулотидир. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 112,7 фоизга ўсиб, 1 триллион 56 миллиард сўмликни ташкил этди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эса 1 триллион 281,3 миллиард сўмликка етди.**

Биз бу каби рақамлар ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига одатий ҳол деб қарашга кўникиб қолдик. Чунки Президент Ислом Каримов танлаган ва белгилаб берган ислоҳотлар йўли мамлакатни йилдан-йилга янада юксак манзиллар сари элтмоқда. Фарғона муваффақиятлари ҳам, аввало, ана шу ислоҳотларнинг натижаларидан бир шингил холос.

### ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Ҳали ёдимиздан кўтарилгани йўқ: яқин ўтмишда дўкондор яширин даромадининг энг катта манбаси хориждан келтирилган маҳсулотни сотишдан эди. Бугун эса Ўзбекистон маҳсулотлари хорижга экспорт қилинмоқда. Буни Фарғона вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. **Вилоят ташқи савдо айланмаси 2010 йилда 1991 йилга нисбатан 23,5 мартага, жумладан, экспорт ҳажми 22,5 мартага кўпайган. Ҳозир Фарғона вилоятидан 73 давлатга 41 турдаги маҳсулот сотилмоқда.**

Ташқи савдо айланмаси учун яратилган имтиёзлар туфайли ҳар йили янги экспортёр корхоналар сони ортиб бормоқда. 2010 йилнинг ўзида экспортёрлар сафига Тошлоқ туманидаги «Фергана Спецодежда», Бағдод туманидан «Фарғона Спининг», «Азия Агро Бридс», Қўқон шаҳридаги «Қўқон саховат нури», «2F technology group», «Ромелло», Фурқат туманидаги «Мангутекс», «Рўзматжон ота», Марғилон шаҳридаги «Ан-назиф», «Евро азия мед сервис», «Muktafin», Қува туманидаги «Фрукты Қува Грант», «Водий гуллари», Олтиариқ туманидаги «Сочное Фрукты долина», Ўзбекистон туманидаги «Yaypan agro export» ва бошқа корхоналари қўшилиб, ўз маҳсулотларини хорижга чиқара бошлади.

Бундан ташқари, вилоятдаги хорижий корхоналарга кўрсатилаётган экспорт хизматлари кенгаймоқда. Хизмат кўрсатувчи экспортёр корхоналар сафига 2010 йилда «Амир Темур», «Фарлимусконт», «Холис 2001», «Farg`ona Sahibullo» корхоналари қўшилди.

**2010 йилда тармоқ вазирликларига кирмаган вилоят тасарруфидаги 85 та ҳудудий корхоналар томонидан 82 миллион 575,6 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилиб, белгиланган йиллик экспорт истиқболи 131,9 фоизга бажарилди.** Ваҳоланки, вилоят тасарруфидаги корхоналар сони 2000 йилда фақат 5 тани ташкил қилган, холос.

Агар мустақилликка эришилгунча вилоятда атиги 4 та енгил саноат корхонаси бўлиб, у ҳам ўз маҳсулотини фақат собиқ иттифоқ ҳудудига жўнатган бўлса, бугун пахта толасини қайта ишлайдиган ва ўз маҳсулотини Европа, Осиё, Америка қитъасига экспорт қилаётган замонавий технологияга асосланган йирик 10 та корхона фаолият кўрсатяпти.

«ДЭУ Текстил», «Водий Тошлоқтекстил», «Бешариқтекстил» каби корхоналарнинг узлуксиз ишлаши натижасида 2010 йилда 117,5 миллион долларлик енгил саноат маҳсулоти экспорт қилинди. 2011 йилда экспортёр корхоналар сафи янада кенгайиши кутилмоқда. Бундай натижалар ҳар бир фарғоналикда фахр туйғусини мустаҳкамлайди, эртанги янада фаровон, янада бахтли кунга умидвор қилади.

### БИЗНЕСИМНИ ФАРҒОНАДА ОЧМОҚЧИМАН

Фарғона нафақат ўзининг бетакрор табиати, ширин-шакар мевалари, оромбахш иқлими, меҳмондўст одамлари билан, балки инвестиция киритиш, қўшма корхоналар ташкил этиш учун тараққий топган саноат тармоқлари-ю, зеҳни ўткир мутахассислари туфайли қулай, истиқболли минтақа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам масалан, Корея Республикаси сармояси иштирокида ўнлаб корхоналар ишлаб турган бўлса-да, улар сафига яна «Uz Hanwoo Ingeneezing», «Eurosoup», «Fergana Osiana» қўшма корхоналари қўшилди. Ҳиндистон, АҚШ, Россия, Буюк Британия каби ўнлаб давлатлар компаниялари ва ишбилармонлари ҳам фарғоналиклар билан яқиндан ҳамкорлик қила бошлади. Умуман, хорижий инвестицияни жалб этиш ҳудудий дастурига кўра, **2010 йилнинг ўзида 17 та корхона рўйхатдан ўтган ва 52,4 миллион доллар маблағ кириб келди.** 22 та лойиҳа бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 5 та лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ва жиҳоз ўрнатиш якунланмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, чет эл сармояси фақат марказга эмас, балки туманларга, чет қишлоқларгача етиб борди. Масалан, Тошлоқ туманида гўшт ва сутни қайта ишлаш, Олтиариқ туманида автоэҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, Фарғона туманида автоойна етказиб берувчи корхоналар хорижий инвестиция туфайли қад ростлади.

— Ҳозир вилоятимизда рўйхатдан ўтган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 97 тага етди, — дейди ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи Рустамжон Сулаймонов. — Улар дунёнинг 27 та давлати тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда ташкил этилган. **Фарғона вилоятида 2010 йилда 1991 йилга нисбатан хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 48,2 мартага кўпайди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми 20,2 мартага ошди.**

### БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, ДИЁРИМИЗГА!

Бугун мамлакатда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари қизғин. Қўқон, Фарғона шаҳарларининг узоқ йилларга мўлжалланган истиқбол режаси тайёрланди. Унга кўра ҳар икки шаҳар мутлақо янги қиёфага киради. Ҳозир бош лойиҳа асосида кенг, равон, тўғри кўчалар, майдону хиёбонлар, биринчи қавати савдо, маиший хизмат кўрсатиш ёки кичик ишлаб чиқариш шохобчаси, юқори қаватлари офис, турар-жой русумидаги янгича меъморий ечимли кўркам бинолар қурилмоқда. Биргина **2010 йили 934,7 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Бу аввалги йилга нисбатан 126,1 фоизга тенгдир. 2011 йили эса бу рақам қарийб 1,3 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда.**

Фақат шаҳарлар эмас, узоқ қишлоқларда ҳам бир-биридан гўзал уй-жойлар қурилмоқда.

— Бундай уйларга эга бўлишни тасаввур ҳам қилмагандик, — дейди Нишонбой Бобораҳимов.— Қишлоқнинг яшаш шароити шу-да, деб умримиз ўтибди. Бир ёқда меҳмонхона, бир ёқда ошхона, ҳаммоми уй ичидалигини айтмайсизми, яна ўзбекона айвон. Отасига раҳмат шу иш бошида турганларнинг, газ, сув, чироқ — ҳаммаси муҳайё. Халқига бунчалар ғамхўр замон қачон бўлган? Юртбошимизга раҳмат! Ватанимиз, қишлоқларимиз бундан-да обод бўлаверсин.

**Ўтган йили Фарғона вилоятининг 15 та қишлоғидаги 25 та мавзеда намунавий лойиҳалар асосида 610 та уй-жой қуриб фойдаланишга топширилди. Вилоятдаги 42 та пудрат ташкилотлари томонидан 35 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.**

Маълумки, уй соҳиблари тўлайдиган маблағ фақат айнан улар танлаган лойиҳа қурилишига қаратилади. Газ, сув, электр тармоғи, йўл қурилиши — буларнинг ҳаммаси бюджет ҳисобидан амалга оширилмоқда.

— Ана шундай хизматлар учун 2011 йили қуриладиган уйларга Фарғона вилоятининг ўзида 10 миллиард сўм маблағ сарфланади, — дейди **«Ягона-буюртмачиинжиниринг»** компанияси директори Қосим Исоқов.

Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини яхшилаш ва лойиҳалаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йилда вилоятдаги 32 та мавзеда 675 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Уларнинг умумий қиймати 57,3 миллиард сўмни ташкил этади.

### БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮРТИ

Дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, Ўзбекистон ҳақида сўз кетганида мамлакатимиз номига «буюк алломалар юрти» деган унвон қўшиб гапирилади. Бу бежиз эмас, албатта. Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғилоний, Термизий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби кўплаб олим, файласуф, шоиру фозиллар умуминсоният тараққиётига салмоқли улуш қўшган. Улар қолдирган бой мерос бугунги авлодларга ҳам хизмат қилмоқда. Таълим тизими ривожига бетакрор эътибор берилаётгани бежиз эмас. Мамлакат раҳбарининг шахсан ташаббуси билан ижтимоий соҳага давлат бюджетининг 60 фоизи ажратилаётган бўлса, унинг катта қисми таълим тизимидаги ислоҳотларга йўналтирилмоқда.

Бугун вилоятда 1730 та таълим муассасалари мавжуд бўлиб, шундан 907 та умумтаълим мактаблари, 3 та санаторий мактаблари, 652 та мактабгача таълим муассасалари, 74 та мактабдан ташқари таълим муассасалари, 52 та спорт мактаблари, 29 та мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти фаолият кўрсатмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида **сўнгги беш йилнинг ўзида Фарғона вилоятида жами 836 та мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 11 та янги мактаб биноси қурилди, 216 та мактаб бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мукаммал реконструкция қилинди, 357 та мактабларнинг бино ва иншоотлари мукаммал ва 252 та мактаблар жорий таъмирдан чиқарилди. Бу мақсадлар учун жами 123,4 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.** Қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилган барча мактаблар мебель ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан тўлиқ жиҳозланди. Бу мақсадларга жами 46,3 миллиард сўм маблағ сарфланди.

— 2011 йили ҳам бу каби бунёдкорлик ишлари давом эттирилади, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зикрилло Тешабоев. — 2 та мусиқа ва санъат мактаби, 6 та янги спорт заллари қурилиши бошлаб юборилди. Бу йил ҳам қурилиш ва таъмирлаш ишларига 19,7 миллиард сўм капитал маблағ ажратилган.

— Яқинда умримнинг қарийб 40 йили ўтган мактабга бордим, — дейди халқ таълими фахрийси Ҳошимжон Розиқов. — Очиғини айтсам, ҳайратга тушдим. Илгари биз ишлаган пастқам, кўримсиз синф хоналари, қўпол парталардан асар ҳам йўқ. Хоналар кенг, ёруғ, ўқув жиҳозлари замонавий. Мен кимё фанидан дарс берганман. Доскада Менделеев жадвали, бир неча шиша колба-ю, тугмача спирт бўларди, холос. Тўғриси, кимё фани ўқитиладиган синф хонасидан ҳеч чиқиб кетгим келмади. Қани, имкон бўлса-ю, бошқатдан дарс берсам. Мактаб биносини қаранг. Кўркам, кўп қаватли, йўлаклар кенг, кутубхонаси, ҳашаматли спорт зали бор. Илгари бундай шароит ҳақида ҳатто тасаввур қилолмасдик. Атиги йигирма йил ўтибди-я, шунча катта ўзгаришлар...

Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг самарали ҳамда ёрқин натижаларидан бири — лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларининг ташкил этилиши бўлди. Энди ҳар бир ёш йигит-қиз ўрта таълим доирасида бирон-бир касбни эгаллайди ёки ўзи қизиққан фанни чуқурлаштирилган дастур асосида ўрганади. Фарғона вилоятида ҳам бугун 11 та академик лицей, 144 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатиб келмоқда. Вилоятнинг чет қишлоқларида ҳам ҳашаматли таълим муассасалар қад ростлаб, ўқувчиларни бағрига олмоқда.

— Ўзим механизаторман. Касбим билан фахрланаман. Аммо ўғлим информацион технология соҳасига қизиқиб қолди, —дейди Фарғона тумани Чекшўра қишлоғидаги муқобил МТП тракторчиси Турсунбой Қодиров. — У ўқийдиган коллежда компьютерда ишлаш ва унга хизмат кўрсатиш касби ўргатилар экан. Келажакда олий ўқув юртида ўқишни давом эттириб, сиз ҳайдайдиган тракторларнинг янги русумлари лойиҳасини яратаман, дейди-я. Бундай бахтли замонда, албатта, ниятингга етасан, ўғлим, дедим.

Фарғонадаги касб-ҳунар коллежларининг ўқув йўналишларига вилоят ҳокимининг ташаббуси билан табиий эҳтиёжга қараб ўзгартишлар киритиш устида иш олиб борилмоқда.

— Тўғри-да, бир пайт тиббиёт, педагогика, иқтисод йўналишларига устуворлик берилган эди. Энди информацион технологиялар, маиший хизмат кўрсатиш, қурилиш пайвандчи ва электр усталари мутахассислигига талаб катта, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ходими Мирзоҳид Деҳқонов. — Касб-ҳунар таълими тизимининг қулайлиги ҳам шундаки, ўқув жараёнини мавжуд имкониятлар асосида бошқариш, йўналтириш мумкин.

Дарвоқе, вилоят олий таълим ўқув юртларида ўттиздан зиёд йўналишда илм-фан ва амалиётнинг зарур мутахассислари тайёрланади. Фарғона давлат университетида илмий изланиш ҳамда кашфиётларга кенг эътибор берилса, Фарғона политехника институти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалида халқ хўжалигининг энг тор соҳалари учун ҳам кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

— Президентимиз Ислом Каримов Фарғонага ташрифи чоғида ўқув жараёни билан танишиб, талаба ҳамда профессор ўқитувчилар билан суҳбатлашгач, келгусида бу олийгоҳни мамлакатимизнинг йирик университетларидан бирига айлантирамиз, деганди, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали директори, профессор Рустам Тешабоев. — Зеро, Фарғона вилояти ўзининг иқтисодий, илмий салоҳияти, замонавий йўналишлардаги юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж жиҳатидан мустақил ўқув даргоҳига муҳтож эди. Биз орзуларимиз амалга ошаётганидан хурсандмиз.

Бугун фарғоналик ёш олим ва тадқиқотчилар дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги нуфузли ўқув ҳамда илмий марказларда бўлиб ўтаётган конференцияларда фаол иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда кўрсатмоқда.

### ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УСТУВОР ВАЗИФА

— Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ислоҳотларнинг самараси бўлган биттагина рақамга эътибор берайлик: юртимизда ўртача умр 68 ёшдан 73 ёшгача узайди. Бу ҳазилакам гапми? — дея савол ташлаб, сўнг ўзи унга жавоб беради 97 ёшли Ҳайдарали Қўзибоев. — Аввало, юрт тинч, халқ фаровон, қолаверса, тиббиёт ривожланиб кетди. Эсимда, қишлоғимизда фельдшер-акушерлик пункти ФАП дегани бўларди. Бостирмага ўхшаш битта хонада битта санитару бир қути шприцдан бошқа гап йўқ эди. Ҳозирчи? Қишлоқ врачлик пунктларини қаранг. Инсонга ғамхўрлик намунаси бу.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилингач, Фарғонада ҳам улкан ишлар амалга оширилди.

Республикада биринчилардан бўлиб вилоятда «Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази»нинг Фарғона филиали ва унинг шаҳар, туманлардаги субфилиаллари ташкил этилиб, улар жаҳон андозаларига мос тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг тузилмасида 355 та ўрин жойга мўлжалланган 18 та стационар бўлимлари, 1 та марказий ва 4 та тез тиббий ёрдам бўлимлари ҳамда 7 та диагностика ва лаборатория бўлимлари тузилди. Шаҳар ва туманлардаги субфилиалларда жами 610 ўрин жойлар шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморлар учун ташкил этилган. Шифохонагача ва шифохонадаги беморларга кўрсатиладиган барча турдаги тиббий ёрдам бепул амалга оширилади. Зарурат туғилганда республикамизнинг турли клиникаларидан оғир аҳволдаги беморларга консультантлар чақирилади.

Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази 2007 йилдан бошлаб босқичма-босқич Ислом банки кредити ҳисобига замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланмоқда. Сўнгги тўрт йилнинг ўзида 2 миллиард сўмликдан зиёд тиббиёт жиҳозлари келтирилди.

Бундан ташқари, ўтган йили 13 та «Хюндай», 39 та «Дамас» тез ёрдам машиналари билан таъминланди.

Ҳайдарали ота айтган ФАПлар ўрнида 293 та замонавий тиббий марказ — қишлоқ врачлик пунктлари қуриб фойдаланишга топширилди. Уларда хизмат қилаётган 428 та врачлар Англиянинг НОУ-ХОУ дастури асосида «Умумий амалиёт врачи» соҳаси бўйича қайта тайёрланди. Аксарият шифокорлар Буюк Британияда, Исроилда малака ошириб қайтдилар.

Ислоҳотлар туфайли кўп тармоқли вилоят тиббиёт маркази, кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари ташкил этилди. Бюджет маблағлари ҳисобидан 2010 йили 1 миллиард сўм сарфланиб вилоят ОИТСга қарши кураш маркази биноси қурилди, 1,2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, вилоят минтақавий қон қуйиш маркази бунёд этилди. «Оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш» лойиҳаси асосида туғуруқ уйларига 1,2 миллиард сўмлик тиббиёт жиҳозлари янгитдан келтирилди...

Инсонга ғамхўрлик, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш устувор вазифа деб қаралган юртимизда шунинг учун ҳам ўртача умр узайган эди.

— Кексаларга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос фазилат бўлса-да, аммо ҳеч бир юртда Ўзбекистондаги каби улар қўллаб-қувватланмаган, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, ЎзХДП фаоли Топволди Холдоров. — Шаҳар ва туман шифохоналарида «Нуронийлар палатаси» ташкил этилган бўлиб, уларда 74,5 минг фахрий бепул даволанди. Фахрийларга хизмат кўрсатиладиган ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди. Вилоят ҳокими қарори билан 127 гектар ер жамғармага мулк сифатида берилди. Унда мевали боғ ташкил этдик. 94,5 минг фахрий республикамиз бўйлаб саёҳатга борди. Жамғарма ва ҳомийлар ҳисобидан 5,6 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди...

Бу гаплар ва рақамлар давлатимиз қонунларида белгиланган нафақа, ижтимоий ҳимоя турларидан ташқаридир. Ёки бошқача айтганда, Фарғона вилояти иқтисодиётида шаклланадиган режадан ортиқча даромад ҳамда аҳолининг саховати туфайлидир. Демак, дунёда рўй берган молиявий бўҳрон на иқтисодиётга, на одамлар руҳиятига салбий таъсир ўтказолмаган.

### ОРЗУЛАР ҚАНОТ ҚОҚҚАНДА...

Бугун вилоятдаги қайси соҳани олманг, қайси ҳудудда бўлманг, бири-биридан қувончли янгилик ва ўзгаришларни кўрасиз. Ким билан суҳбатлашманг, эртанги кун билан боғлиқ ёруғ орзу-ниятларни эшитасиз. Кимдир янги новвойхона қурмоқчи, кимдир тўй қилмоқчи, кимдир ўз бизнесини йўлга қўймоқчи, яна кимдир ўз хусусий корхонасини кенгайтирмоқчи, кимдир фарзандини хориждаги нуфузли олий ўқув юртига ўқишга юбормоқчи, яна биров деҳқон хўжалиги учун даштдан олган ерида боғ яратмоқчи...

Булар бугуннинг орзулари, ҳаётий тилаклар. Бу одамлар ҳам бугуннинг одамлари, инсон сифатида иззат-ҳурмати, қадрини топаётган одамлар, озод юрт фарзандлари...

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Шоҳмот

# Жаҳон чемпионлари билан учрашув

Республика шоҳмот федерацияси ҳамда Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми томонидан уюштирилган шоҳмот байрами 28-29 март кунлари пойтахтимизда давом этди.

Дастлаб Ананд юртимизнинг бир йўла 20 нафар иқтидорли ёш шоҳмотчиларига қарши дона сурди. Ўйинда Ананд 15:5 ҳисобида устунликка эришди. Лекин у 12 ўйинда ютган бўлишига қарамай 6 ўйинда дурангга розилик билдирди, 2 ўйинда эса мағлубиятга учраганини тан олди. **Ҳа, Темур Игонин ва Хулкар Тоҳиржонова амалдаги жаҳон чемпиони устидан ғалаба қозонишга муваффақ бўлди.** Кейинги кун Қосимжонов 22 нафар ёш иқтидор эгаларини синовдан ўтказди. Унда 19:3 ҳисоби қайд этилди. Жаҳон чемпиони билан Юлдуз Ҳамроқулова, Мафтуна Маматқулова, Олег Артеменко, Улуғбек Тиллаев, Ортиқ Неъматов ва Саидакбар Сайдалиев дуранг ўйнади.

— Жаҳон чемпиони билан ўтказган ўйиним, юртимиздаги шоҳмот байрами умрбод ёдимда қолади, — дейди Хулкар Тоҳиржонова ҳаяжонланиб. — Бу ғалаба менинг кучли шоҳмотчи эканлигимни эмас, ёмон дона сурмаслигимни кўрсатади, холос. Чинакам кучли шоҳмотчи бўлишим учун астойдил шуғулланишим ва кўплаб мусобақаларда қатнашиб, маҳоратимни оширишим керак.

Юртимизда ўтказилган бу байрам шоҳмот тарихидаги ажойиб сана муносабати билан уюштириладиган тадбирларнинг дебочаси бўлди. Чунки бундан 125 йил муқаддам — 1886 йил 29 март куни прагалик Вильгельм Стейниц шоҳмот бўйича биринчи жаҳон чемпиони деб эълон қилинганди. Ўтган 125 йил ичида атиги 19 нафар гроссмейстергина шоҳмот тожини кийган. Мамлакатимизда уч кун давом этган байрам иштирокчиси ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ўн бешинчи, ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ўн еттинчи жаҳон чемпиони ҳисобланади.

Икки жаҳон чемпионининг ишқибозлари қалбларига олам-олам қувонч улашган бу учрашувлари юртимиз спорт тарихидан, дунё шоҳмот тарихидан муносиб ўрин эгаллайди.

**Асрор МЎМИН**



# Ватан ҳимояси — олий шараф

*Яқинда муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.*

*Пойтахтимизга Навоий шаҳридан ташриф буюрган Замира Абдулакова ҳам барча оналар сингари ҳаяжонда. Чунки, унинг кенжа ўғли Аббос Узоқов Ватан ҳимоясига камарбаста бўляпти.*

*— Оналар учун фарзанди камолини кўриш бахт, — дейди у. — Мен ҳам ана шундай қувончли кунларга шукрона келтираман. Ҳарбий кийимлари бўйи-бастига ярашган аскарларимизни кўриб, кўнглим ғурурга тўлди.*

*— Мен эса аскарнинг холаси бўламан, — дея гапга қўшилди Холида Нишонова. — Бугунги тадбир барча қатори менда ҳам катта таассурот қолдирди.*

*Ҳа, Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимини ота-оналар узоқ вақт эслаб юради, аскарлар эса бир умр ёдда тутади.*

**Равшан ШОДИЕВ**

# Янги уйларда Наврўз шодиёнаси

Наврўз айёми нишонланаётган шу кунларда Андижон шаҳрининг Навоий шоҳ кўчаси бошланишида «Монолитстройсервис» масъулияти чекланган жамият бинокорлари қурган 152 хонадон, иккита тўрт қаватли уй фойдаланишга топширилди.

— Замонавий уйда яшаш орзуимиз эди, — дейди янги хонадон соҳибаси Гулнорахон Иноятова. — Мана, уйлик бўлдик. Турмуш ўртоғим, фарзандларим — Баҳриддин, Бекзодбеклар ҳам хурсанд. Янги уй оиламизга байрам туҳфаси бўлди.

— Уйимизга хуш келибсизлар, — дея дил сўзларини билдирди 9-хонадон бекаси Манзурахон Содиқова. — 30-умумтаълим мактабида муаллимаман. Кенг, пардози чиройли, кўркам уйда яшаш қандай яхши. Баҳор бизга мана шундай қувончлар олиб келди.

— Бизнинг хонадонимиз учинчи қаватда жойлашган, — дейди Диломхон Азимова суҳбатга қўшилиб. — Тўрт хонали уйимизга келган ота-онамиз ҳам шарт-шароитни кўриб, қувонишди.

Янги уйлар қаторидаги савдо дўкони, равон йўл ва автомобиллар турар-жойи аҳолига яна бир қулайлик бўлди.

Замонавий ва миллий меъморчилик асосида барпо этилган уйларни топшириш тадбирида вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов қатнашди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ифтихор

# «Сиз полвонларингизни биласизми?»

Азалдан она юртимиз алп баҳодирлар макони бўлиб келган. Халқимиз қадим замонлардан ўз фарзандларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик ва бағрикенглик руҳида, эл-юрти учун жонини фидо этишга тайёр асл полвонлар қилиб тарбиялаган.

Бир сўз билан айтганда, полвонлик — бизга бир неча минг йиллар давомида элнинг ғурури, ифтихори ва ор-номуси учун халқ сайилларида улоқ чопиб, кураш тушиб, тош кўтариб келган бобокалонларимиздан мерос бўлиб келмоқда.

— Полвонлик пойдевори ғурур ва ор-номус билан белгиланади, — дейди «Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» жамияти раиси Норқул Юсупов. — Полвон эса эл-юрт ва миллатнинг ғурури, фахри ва ифтихоридир.

Давлатимиз раҳбари кўп маротаба таъкидлаганидек, ҳар бир соҳада устоз-шогирд анъанаси қарор топиши эришилган ютуқлар давомли бўлишини таъминлайди. Хусусан, юртимиз спорти дарғалари номи, уларнинг салоҳияти, Ватан ва халқимиз шарафини ҳимоялашдаги фидойилиги, қўлга киритган ғалабалари, уларнинг ҳаёт тарзи бугунги ёшлар учун ибрат мактаби бўлиши лозим. Полвонлар номини қайта тиклаш, улар қандай муваффақиятларга эришганлиги тўғрисида маълумотлар тўплаш билан биргаликда, айни чоғда катта спорт майдонларини тарк этган фахрий полвонларимизга ҳурмат кўрсатиш, уларнинг номини тарғиб қилиш йўлида ҳам саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Аҳамиятли жиҳати, бу жамият кураш, оғир атлетика, бокс, қиличбозлик, чавандозлик сингари спорт турларининг тарихи ва ривожланиш босқичлари, анъана ва мактаблари, фарзандларимиз камолотидаги ўрни ва аҳамияти, бу йўналишда юксак натижаларга эришган полвонларимиз ҳаёти, бой тажрибаси ва маҳоратини атрофлича ўрганиш, улар билан ёшларни кенгроқ таништириш, ютуқ ва янгиликларни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Юртимиз полвонлари ҳақида маълумотлар жамланиб, электрон китоб шаклида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига тақдим этилгани, турли маърифий лойиҳалар, кўрик-танловлар ўтказилаётгани бу борадаги хайрли ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Юртимизнинг машҳур полвонлар сулоласи вакиллари, спорт фахрийлари билан ёш спортчилар учрашувлари ўтказилди. Тадбир иштирокчилари пойтахтимиздаги музейлар ва маънавият масканларига ташриф буюрдилар.

— «Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» жамияти ниҳоятда долзарб ва эзгу ишга қўл урибди, — дейди тадбир иштирокчиси, спортимиз фахрийси, оғир атлетика бўйича собиқ жаҳон чемпиони ва рекордчиси Эркин Каримов. – Ўтмишсиз келажак йўқ, дейишади. Тадбир давомида бир қатор мактаб, коллежларда ўқувчи-ёшлар билан учрашувлар, давра суҳбатларида қатнашиб, шуни билдимки, бугунги фарзандларимизнинг аждодлари тарихига, ўтмишимизга қизиқиши жуда баланд. Президентимиз томонидан бугун мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилаётир. Бундай муҳташам спорт мажмуалар ва қулай шарт-шароитларни кўриб болажонларимизга бизнинг ҳавасимиз келади. Уларнинг жисмоний баркамол улғайишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда.

«Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» жамияти ташаббуси билан республика умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Сиз полвонларингизни биласизми?» кўрик-танлови ўтказилганди. Уч (туман, вилоят ва шаҳар, республика) босқичда ўтказилган мазкур тадбирда мамлакатимиз ўқувчи-ёшлари жуда фаол иштирок этишгани таҳсинга лойиқ.

«Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi» жамияти томонидан ташкил этилаётган бу каби тадбир ва танловлар ёшларимизнинг нафақат жисмонан, балки маънавий жиҳатдан ҳам етук бўлиб улғайишлари учун хизмат қилиши шубҳасиз. Фарзандларимиз бу каби тадбирларда иштирок этишиб, ўз билимларини янада бойитадилар. Майдонга чиқаётган ёш спортчиларимиз эса тобора қадр топаётган фахрий спортчиларга муносиб издош бўлишга, улардек кучли ва иродали бўлишга, юрт довруғини оламга ёйишга астойдил бел боғлайдилар.

**Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ!**

# Журналистика соҳасида «ОЛТИН ҚАЛАМ» VI миллий мукофоти

*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида ўтказаётган «Олтин қалам» VI Миллий мукофоти учун халқаро танлов давом этмоқда.*

*3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган мазкур танловга 2010 йилнинг 31 мартидан 2011 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган* ***материаллар 2011 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.***

*Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:*

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот**. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:**

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— фаол фуқаролик позицияси учун;

— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган энг яхши материал учун;

— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

— ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши материал учун;

— энг яхши журналистик текширув учун;

— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

— энг яхши режиссёрлик иши учун;

— энг яхши матбуот хизмати;

— энг яхши фоторепортаж учун;

— энг яхши карикатура учун;

— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле, радио, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

*Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:*

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2011 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

*Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:*

***Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.***
***Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30, 35, 37-хоналар***
*Телефонлар:* ***8-371 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.***
**www.Journalist.uz**

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки**




*ўзининг бир қанча шўъба корхоналари бизнесини баҳолаш учун мустақил баҳолаш компанияларини танловда қатнашишга таклиф қилади.*

**Қўшимча ахборотни 234-11-22 рақамли телефон, 234-44-38 рақамли факс орқали ёки www.nbu.com сайтидан олиш мумкин. Алоқада бўлувчи шахс: Камолиддин Маҳмудов. Банкнинг инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаменти.**

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси хизматга қабул қилади**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси ва Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларидаги мавжуд бўлган бўш лавозимларга ишга қабул қилади. Жисмонан ва руҳан соғлом, ички ишлар идоралари сафида хизмат қилишга лаёқатли, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатда турган, олий маълумотли (ҳуқуқшунос, молия-иқтисод, педагог, ишлаб чиқариш ва саноат, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бирор-бир соҳаси бўйича мутахассисликка эга бўлган) фуқаролар мурожаат этиши мумкин.*

*Ишга қабул қилиш ички ишлар идоралари хизматига қабул қилиш талаблари асосида амалга оширилади.*

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 25-уй.
**Телефонлар:** 291-59-02, 291-93-06.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2009 йилда Туранов Темирлан Саматович номига берилган шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Қашқадарё вилояти, Муборак туманидаги "Исроил" хусусий корхонаси номига 2005 йил 15 март куни берилган №4812 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ОБ-ҲАВО 31-1.03.04. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 19°C | 21°C |
| Самарқанд | 18°C | 23°C |
| Нукус | 18°C | 23°C |
| Қарши | 20°C | 25°C |
| Урганч | 18°C | 23°C |
| Навоий | 21°C | 26°C |
| Фарғона | 18°C | 23°C |
| Бухоро | 21°C | 26°C |
| Андижон | 18°C | 23°C |
| Наманган | 18°C | 23°C |
| Термиз | 20°C | 25°C |
| Жиззах | 18°C | 23°C |
| Гулистон | 18°C | 23°C |
| Тошкент вил. | 18°C | 23°C |
| Лондон | 11°C | 12°C |
| Париж | 12°C | 13°C |
| Москва | -5°C | -10°C |
| Мадрид | 8°C | 8°C |
| Пекин | 7°C | 7°C |
| Гонгконг | 16°C | 17°C |
| Рим | 7°C | 5°C |
| Анқара | 6°C | 8°C |
| Токио | 7°C | 7°C |
| Стокгольм | -3°C | 1°C |
| Кейптаун | 16°C | 14°C |
| Қоҳира | 11°C | 12°C |
| Гавана | 23°C | 20°C |
| Вашингтон | 1°C | 1°C |

*Учтепа туманида рўйхатга олинган «RUN TONG» МЧЖ (ИНН 300 995 424) корхонаси* ***ТУГАТИЛАДИ.*** *Даъволар икки ой мобайнида 529-68-98 рақамли телефон орқали қабул қилинади.*

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA (Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56;
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko`chasi, 32-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro`yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 349
21781 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 23.40
Topshirilgan vaqti — 01.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5